

## ЎЗБЕК АНТРОПОНИМЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ АҲАМИЯТИ



**Ирода Аҳмедовна Жўраева**

Филология фанлари номзоди, доцент,  
Хорижий филологияси факультети,  
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий  
университети

**Аннотация:** Мазкур мақола ўзбек антропонимларининг ижтимоий аҳамиятига бағишланган бўлиб, мақолада шунингдек, антропонимларни ўрганишда ва ифодалашда тез-тез қўлланиладиган тушунча ва атамалар таҳлили келтирилган. Маълумки, тилшуносликда ўзгаришлар рўй бериб, парадигмадан (бир томонлама фикр юритишдан) воз кечилди, «ички, чегараланган» ва системага солинган лингвистикадан когнитив-дискурсив лингвистикага ўтиш даври, яъни тилни ўрганишда янгича қарашлар билан мулоҳаза юритиш, кенг илмий-изланишлар олиб бориш даври бошланди. Антропонимик материалга нафақат лисоний жиҳатдан, балки этнолингвистик, этномаданий, руҳшунослик, социоллингвистик, эстетик, тарихий-диний нуқтаи назардан ҳам ёндашиш мумкин.

**Калит сўзлар:** антропоним, когнитив-дискурсив лингвистика, ономастика, антропонимик формула, антропонимик сигналлар, шахсий антропонимлар нисбийлиги.

**Иқтибос учун:** Жўраева И.А. Ўзбек антропонимларининг ижтимоий аҳамияти. *Марказий Осие ижтимоий тадқиқотлар журнали*. 2020, 1(2), 58-66.

## СОЦИАЛЬНОЕ ЗНАЧЕНИЕ УЗБЕКСКИХ АНТРОПОНИМОВ

**Ирода Ахмедовна Джураева**

Кандидат филологических наук, доцент,  
Факультет иностранной филологии,  
Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека

**Аннотация:** Данная статья посвящена социальной значимости узбекских антропонимов, а также в статье приводится анализ понятий и терминов, обычно используемых при изучении и выражении антропонимов. Известно, что с изменениями в лингвистике произошел отказ от парадигмы, переход от «внутренней, ограниченной» и систематизированной лингвистики к когнитивно-дискурсивной лингвистике, то есть период размышлений над изучением языка, период обширных исследований. началось. К антропонимическому материалу можно подходить не только с лингвистической

Педагогика / Педагогика / Pedagogics

точки зрения, но и с этнолингвистической, этнокультурной, психологической, социоллингвистической, эстетической, историко-религиозной.

**Ключевые слова:** антропоним, когнитивно-дискурсивная лингвистика, ономастика, антропонимическая формула, антропонимические сигналы, относительность личных антропонимов.

**Для цитирования:** Джуроева И.А. Социальное значение узбекских антропонимов. *Журнал социальных исследований Центральной Азии*. 2020, 1(2), 58-66.

## SOCIAL SIGNIFICANCE OF UZBEK ANTHROPONYMS

Iroda Ahmedovna Djuraeva

Candidate of Philological Sciences, Associate Professor,  
Faculty of Foreign Philology,  
National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek

**Abstract:** This article is devoted to the social significance of Uzbek anthroponyms, and the article also provides an analysis of the concepts and terms commonly used in the study and expression of anthroponyms. It is known that with the changes in linguistics there was a rejection of the paradigm, the transition from "internal, limited" and systematized linguistics to cognitive-discursive linguistics, that is, a period of reflection on the study of language, a period of extensive research. began. Anthroponymic material can be approached not only from a linguistic point of view, but also from an ethnolinguistic, ethnocultural, psychological, sociolinguistic, aesthetic, historical and religious point of view.

**Key words:** anthroponym, cognitive-discursive linguistics, onomastics, anthroponymic formula, anthroponymic signals, relativity of personal anthroponyms.

**For citation:** Djuraeva I.A. The social significance of Uzbek anthroponyms. *Journal of Central Asian Social Studies*. 2020, 1(2), 58-66.

### Кириш.

Лингвист олим, профессор Е.С. Кубрякованинг талқинига кўра: «Тилни ўрганиш – инсон табиатини, дунёқараши ва ўзига хос муаммоларини ўрганиш билан тенг бўлиб қолди, оддий инсоннинг атроф-муҳитга бўлган муносабатларини, хатти-ҳаракатини таҳлил этиш илмий изланишларимизнинг асосига айланмоқда...» [8, 9-б.].

Янгича қарашлар ўзбек ономастикасини ҳам четлаб ўтмади

(ономастика - юнонча «номлаш, ном қўйиш санъати» маъносини билдиради). Замон талабига кўра, халқимизнинг хорижий тилларни билишга эҳтиёжи ортди, шунга кўра «Ономастика дунёсида атоқли отлар, номлар (исм, тахаллус, лақаб) ҳамда географик жойлар, худудлар, дарёлар ва бошқаларнинг тарихий номларини кенгроқ билишга зарурият уйғонди, тилда умумбашарий рамзларяратилди, натижада ўзга халқлар руҳиятини янада чуқурроқ ўрганиш имкониятлари кенгайди» [6, 21-б.]. Профессор Г.Р.

Педагогика / Педагогика / Pedagogics

Галиуллина айтганидек, «Рамз, қадрият, дунёқараш, эътиқод, урф-одат, одоб-ахлоқ меъёрлари - миллий маданият пойдеворини ташкил қилиш билан бирга инсон руҳиятида ижтимоий ҳаётга бўлган муносабатларини белгилаб беради» [4, 3-б.].

Айниқса, ўзбек ономастикасининг асосий қисми бўлган антропонимиканинг (антропоним - юнон тилида «кишига бериладиган исм» маъносини билдиради, антропонимларни тадқиқ қилувчи соҳа эса антропонимика деб аталади) ривожланиши турли халқлар маданиятини янада чуқурроқ ўрганиш асносида, инсон шахсини ўрганишга, шахс сифатида шаклланишига сезиларли даражада туртки бермоқда.

#### Натижалар ва муҳокама.

Маълумки, сўз - нарса ва ҳодисаларни ифода этувчи лексемадир. Тил эса ана шу «сўз»ларни умумлаштиради, шунинг учун ҳам ижтимоий аҳамиятга эга. Антропоним - атоқли от, тилни чуқур ўрганиш жараёнида атоқли отларни, исмлар маъносини ҳам таҳлил этиш – шахсни ўрганиш билан тенг. Зеро, кишига берилган исм (атоқли от) бир умр уни «таъқиб этади», унинг руҳиятини, хатти-ҳаракатини, интилишларини, дунёқарашини белгилаб беради. Ономастика соҳасининг ривожланишига кўп ҳисса қўшган мутахассисларидан бири, лингвист олим В.А.Никонов бундай мулоҳазаларни қисқагина қилиб, «Исм шахсга берилган ижтимоий белги (тамға)» деб талқин этади [10]. Агар В.А.Никоновнинг дунёқарашини билан фикр юритсак, ҳатто предметга берилган ном ҳам уни «жонлантиради», масалан, ноёб қурол ёки созга берилган номни эшитиб, унинг нима «вазифа бажаришини» фаҳмлаб оламиз

(хрематонимика). Географик жойларнинг тарихини ўқиб эса, у ерлар нега шундай номлангани чуқурроқ англаймиз (топонимика). Турли миллатларга эътибор берарканмиз, уларнинг номлари элатларнинг асосий хусусиятларидан келиб чиққанига амин бўламиз (этнонимика). Ҳатто, жониворларга ҳам дуч келган номни беролмаймиз, ҳеч бўлмаганда рангига қараб «Қоратой» ёки «Оққуш», «Олапар» деб атаймиз (зоонимика). Демак, тил ўрганишда антропонимларининг ижтимоий аҳамияти ошиб бормоқда.

Антропонимлар элатнинг лисоний қадрияти ҳисобланади. Шунинг учун, «Исмлар моҳиятига аҳамият берсак агар, бирон бир маънога эга ҳамда келиб чиқишига кўра, маълум бир элатга мансуб бўлади. Лекин йиллар ўтган сари исмлар элатдан элатга кўчади, ўзга тиллар шароитида оҳанги ва шакли ўзгариб боради. Бундай мулоҳазаларга эътибор бермасак агар, исмлар моҳиятига етолмаймиз, мазмунини тушунишимиз қийин кечади» [7, 3-б.]. Шунинг учун, номлар келиб чиқишини билиш ва хорижда уларни нутқда тўғри қўллаш ўзга миллат вакилини ёки исм эгасини, шахснинг ҳурматини жойига қўйиш билан баробар.

Антропонимларни ўрганишда ва ифодалашда қуйидаги тушунчалар, атамалар тез-тез қўлланиши мумкин:

1. Исмнинг номинатив аҳамияти шундаки, инсон билан мулоқот жараёнида, исм мазмуни қисман бўлсада семантик тарзда эгаси ҳақида интеллектуал ёки эмоционал жиҳатлари ҳақида маълумот бериши мумкин.

Демак, исмнинг номинатив аҳамияти – шахс рамзининг семантик тузилиши бўлиб, нутқда у ҳатто яширин семантик-денотатив характердаги

Педагогика / Педагогика / Pedagogics

хусусиятлари ҳақида эксплицит намоён бўлиши (ифодаланиши) мумкин.

2. Антропонимик формула – исм + отасининг исми (бу элемент зарурий эмас) + фамилия, яъни паспортдаги расмий номлардан иборат. Адабиётда баъзан бу атама «антропонимик модель» деб ҳам аталади. Антропонимик формуланинг турли компонентлари турли социал майдонларга мулжалланган, айниқса кишига берилган шахсий исм бир умр унинг универсал компоненти ҳисобланади ҳамда у жуда кўп майдонлардан ўтади, кимнингдир социуми (муносабат-мулоқот доираси) оила билан чегараланса, кимда ҳатто маъмурий даражасидаги майдондан ўтади.

Отасининг исми антропометрик компонент модели сифатида бироз камроқ қўлланади. Масалан, у русларда, арабларда ва озарбайжонларда муҳим муҳим компонент бўлса, баъзи юртларда асосан иккитали формула қўлланади: исм ва фамилия.

3. Антропонимик сигналлар – сўз, морфемлар (ўзак сўзлар) ёки оҳангдош сўзлар микроконтекстлар даражасида ёки реал мулоқот жараёнида номнинг антропонимик майдонга киришига ёрдам беради. Антропонимнинг лексик сигналларига зот, жинс, ёш, касб, лавозим ва бошқалар киради.

4. Шахсий антропонимлар нисбийлиги, исмнинг номинатив аҳамияти, антропонимик формула ва антропоним сигналлар социал майдонлар даражасида қўлланилади. Социал майдон деганда тегишли жуда кўп бир-бирига яқин вазиятдаги мулоқотлар назарга олинади ва бунда бир томондан тил сатҳи характери, социум характери, ушбу социумнинг моддий дунёси ва бошқа томондан

(интим, дўстона, расман) мулоқотда қўллаш ҳисобга олинади.

Ўзбекистон кўп миллатли мамлакат. Шунинг учун ҳатто маъноси бир бўлган исмларнинг айтилиши ҳам турлича. Масалан, қорақалпоқларда исмларқуйидагича турланади: **Азат, Аллаберген, Атамурат, Бердыбай, Генжемурат, Досназар, Досмурза, Жолдас, Ибрагим, Оразбай, Парахат, Полат, Сапар, Турдыбай, Шамурат. Айгуль, Анар, Бийбигуль, Гулаим, Джумагуль, Раушан, Санем, Шарипа** ва бошқалар[5, 12-13-б.].

Демак, қардош ва этник бир бўлган халқлар ҳам бир хил маънодаги исмни турлича аташади. Тожиқларда кўп исмлар худди ўзбеклар каби аталсада, лекин уларда ҳам баъзи исмлар ўзига хос.

Ўзбекистонда яшайдиган кореец халқида исмлар русчалашган, лекин фамилия сақлаб қолинган, натижада икки халқ шаклидаги исм вужудга келган. Мисол: **Андрей Ким, Александр Ан, Анна Цой, Алла Ли** ва бошқалар. Кореец аёллар бошқа миллатга (рус, ўзбек, татарга) турмушга чиқишса, фамилиясини ҳам ўзгартиришади, натижада антропонимик формула бутунлай ўзгаради.

Татарларда эса аввалги даврларга хос татарча қўшма исмлар ўрнига содда, рус ва Европа халқларига хос исмлари кириб келди: **Марат, Ренат, Марс, Рафаэль, Эрнест** ва бошқалар. Ҳатто баъзи исмларни сунъий тарзда ўзгартиришлари натижасида (**Рунал, Рунат, Рамин, Рязкаби**) маъноси аниқ бўлмаган номлар пайдо бўлди[11, 13-б.].

Ўзбек халқи исм қўйишда жуда эҳтиёткор бўлгани учун, бола туғилганда атрофлича жиддий ўйлаб кейин ном беришади. Шунинг учун

Педагогика / Педагогика / Pedagogics

асрлар давомида исмларда сўнъий ўзгаришлар деярли рўй бермаган.

Халқимиз фарзанднинг хатти-ҳаракатига, дунёқарашига ота-боболаримиздан мерос қолган маъноли номлар таъсир қилади деб ҳисоблашади ва орзуларини исмга «сингдиришади».

Ўзбек исмлар рўйхати жуда бой ва хилма-хил маънога эга. Чунки Ислом дини таъсирида исмлар тури кўпайиб борган. Шунинг учун, славянлар ва Европа халқларига нисбатан жуда кенг ва турли маънога эга исмлар жуда кўп. Бунинг устига ўзбек халқи ота-боболардан қолган исмларни чин дилдан эъзозлагани сабаб, уларни удумда сақлаб қолиш билан давр ва ижтимоий ўзгаришлар тақозоси билан кириб келаётган янги ва замонавий номларни ҳам эркин-эмин қабул қилиш анъанасини давом этирадилар. Шунинг учун ўзбек этноантропонимлари ҳам диахроник, ҳам синхрон тарзда, шунингдек, семантик ва грамматик-фонологик тузилиши жиҳатдан жуда бой рўйхатга эга. Ҳозирги антропонимик луғатларда ва бошқа тарихий китобларда 500 дан ортиқ турк исмлари, айниқса патронимлар тилга олинган [9].

Э.А. Бегматовнинг «Ўзбек исмлари маъноси (изоҳли луғат)»ида 14600 исм тилга олинган [1].

Турк тилидан кириб келган исмлар рўйхатда кўпчиликни ташкил қилади, мисол учун қуйидаги исмлар аллақачон ўзбеклашиб кетган: **Тўлқин, Озода, Жалил, Йўлдош, Лочин, Оғабек, Ўзбекхон, Болта, Сайрам, Ўткир, Ботир, Жаҳонгир** ва бошқалар.

Лекин араблардан кириб келган исмлар ҳам кам эмас, аввало **Муҳаммад** (Пайғамбаримиз исмлари) ва бу улуғ исмнинг бошқа тиллар орқали кириб келган турлари – **Аҳмад, Маҳмуд, Ҳамид**

ва бошқалар. Шунингдек, **Али, Умар, Ҳамза, Аббос, Ойша, Фотима, Хадича** (Пайғамбаримизнинг яқин кишилари исмлари) ҳамда **Ёқуб, Юсуф, Мусо, Иброҳим, Исмоил, Сулаймон, Исо, Марям** (муқаддас китобларда келтирилган пайғамбарлар исмлари) каби номлар жуда эъзозли исмлар ҳисобланади. Қуйидаги қўш исмлар ҳам бир неча асрлар ўтиб ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган ва бугунги кунда урфга кирган: **Абдулла, Абдуллох, Абдурахим, Абдурахмон, Абдулазиз, Сайфиддин, Ниғматилла, Исматилла** (Аллоҳнинг исми билан бирга ва тилаклар билан боғлиқ номлар) ва бошқалар.

Қадимдан эркак исми бир нечта номлардан иборат бўлгани ва бошқа ижтимоий факторлар туфайли мулоқот вақтида унинг исми нутқда кам ишлатилган, айтилмаган, мурожаат вақтида эса, кўпинча **тақсир, домла, муллака, ҳожибобо, бек, ҳазрат** каби, оилада эса эр-хотин орасидаги мулоқотда бош фарзанднинг исмини айтиб чақириш одат бўлган. (Сурхондарё, Қашқадарё ва бошқа вилоятлардаги қишлоқларда ҳозир ҳам бу русм сақланиб қолган). Аёл кишига мурожаат қилганда эса, аксинча унинг исми айтилган. Бу билан гўё аёлнинг жамиятдаги даражаси ифодаланади. Шунингдек, аёл кишининг фамилияси отадан «ўтади», турмушга чиқанда эса, эрнинг фамилиясини «олади». «Кимнинг фарзанди» деб сўралаганда эса, албатта одатда онанинг эмас, отанинг исми аталади. Демак, Шарқда патронимик система устун ҳисобланади.

Умуман олганда фарзандга исм қўйилишида гендер факторлари ҳам ҳисобга олинсада, баъзида морфологик шакл таъсирида ҳам ўфил болага, ҳам қиз болага антропонимик сигналлар асосида

Педагогика / Педагогика / Pedagogics

«ой» қўйилиши мумкин. Масалан, ўғил болага - **Равшан**, қиз болага – **Равшаной** исм қўйилади. Бу ерда «ой» сўзи антропонимик сигнал ҳисобланади.

Ўзбек тилида рус тилидаги «женский род»га асосланган «а» қўшимчаси расман бўлмаса-да, ўғил болалар – **Азиз, Маҳмуд, Сайёр, Зариф, Нодир, Сарвар** каби исмларга «а» қўшилиб, **Азиза, Маҳмуда, Сайёра, Зарифа, Нодира, Сарвара** каби қизлар исми вужудга келган. Ўзбек қизларининг баъзи исмлари «-а» билан тугасада: **Гулнора, Дилдора, Дилфуза, Ирода, Нигора, Хадича, Шоҳида**, ўғил болалар исмида ҳам «-а» билан тугайдигани бисёр: **Абдулла, Исматилла, Раҳматилла** кабилар. Шунингдек, қизлар исмида ҳам албатта унли ҳарф билан тугамайдиган исмлар ҳам бисёр: **Ойгул, Гўзал, Муқаддас, Марям** кабилар. Айтиш жоиз, ўғил болаларга кўпинча «-жон» қўшимчаси - **Олимжон, Саиджон, Рауфжон**, қизларга эса «-хон» қўшимчаси қўшилиши мумкин – **Қумрихон, Донохон, Қизлархон**.

Ўзбек халқида яна шундай удум бор мурожаат қилганда, ҳурмат юзасидан исмларга - ака, опа, ота, хола, тоға сўзлари (антропонимик сигналлар) қўшилади: **Аброр ака, Жамила опа, Шодмон ота, Салтанат хола, Юсуф тоға**. Шунингдек, почча, пошша, тўра, хўжа, ҳожи каби сўзлар ҳам исмлар баробарида айтиб чақирилади: **Рашид почча, Раънохон келинпошша, Илҳом тўра, Ислон хўжа, Хожи ота**.

Дўстлар, тез-тез кўришиб турадиган тенгқур танишлар, болалар, ўсмирлар ҳамда оилада ака-ука, опа-сингиллар бир-бирларининг исмларни кўпинча қисқартириб аташади: **Алишер – Алиш, Бахтиёр – Бахти, Фахриддин – Пақи, Музаффар – Музап, Маъсума –**

**Масу, Хуршида – Хурши, Нозима – Нози, Фотима – Фоти, Отабек – Оташ, Малика – Мали. Айниқса, Дилбар, Дилором, Дилдора, Дилфуза** кабиларни – **Диля, Гулчеҳра, Гулнора, Гулсара, Гулраъно** кабиларни – **Гуля** деб аташ ҳам русм бўлган. Лекин бу қисқартиришлар рус тилидаги қисқартиришлардан, аниқроғи, эркалаб аташлардан: **Анна – Аня, Анька, Аннушка, Нюрка; Сергей – Сережа, Серый, Серега** ва бошқалардан тубдан фарқ қилади.

Ўзбек тилида болани эркалаш учун «-жон», «-хон» қўшимчаси қўйилади: **Рахимжон, Собиржон, Марямхон, Шохидахон** каби. Руслар ҳам ўзбекча исмларни эркалаган тарзда аташлари мумкин: **Гулечка, Дилечка, Иродечка, Бахтиёрчик, Илхомчик** тарзида. Баъзида эса ўзбекча исмларни русча исмларга «ўгириш» ҳам рўй беради: **Тўлқин – Толик, Али – Алёша, Саодат – Соня, Тожихон – Таня, Марям – Мария, Карима – Катя**, деб аташади.

Ўзбек исмлар рўйхати русларникига нисбатан жуда бой ва хилма-хил бўлишига қарамай, руслариникидек оила даражасидаги ижтимоий майдонда ва ҳатто административ даражадаги социал майдонда ҳам камроқ қўлланиши, айниқса фамилияси орқали чақириш деярли умуман йўқлиги билан ажралиб туради. Бир қарашда бунга сабаб оддий оилада расмиятчилик бўлмагани учун бўлса керак, деб хулоса чиқариш мумкин. Лекин чуқуроқ таҳлил этсак, аслида бунга сабаб - қадимдан киши ҳақида маълумот олишда исмининг ўзи етарли бўлган, қўшимча равишда отасининг кимлиги ва яшаш жойи келтирилгани эса бу кишининг номини янада «аниқлаштиришга» ёрдам берган. Русларникидек фамилияга эҳтиёж бўлмаган.

Педагогика / Педагогика / Pedagogics

Ўзбек исмлари деярли ҳар бири чиройли маънога эга: **Бахтиёр** - бахтли инсон, **Жаҳонгир** - дунёга эга, **Пўлат** - энг мустаҳкам металл, **Шерзод** - арслон фарзанди, **Эркин** - ҳур, **Гулбаҳор** - баҳор гули, **Ирода** - иродали, кучли, **Шахноза** - малика ва бошқалар.

Шу ерда ўзбек халқининг шаҳарларида ҳозир кўпроқ қўллаётган исмлардан бир қисмини ёритамиз: **Темур, Бобур, Жамшид, Шерзод, Шаҳбоз, Шаҳзод, Шоҳжаҳон, Шоҳрух, Жавоҳир, Камилла, Сабина, Ситора, Шаҳноза, Дурдона, Шаҳзода, Нигора, Бону, Мубина, Имона, Сабрина.**

Ўзбек антропнимларини тизимга солишда ва уни қўллашда энг асосий концепт (моҳият) - оила ҳисобланади ва унинг роли катта аҳамиятга эга. Чунки у «ҳар қандай лингвомадиниятдаги концептосферада (яъни кузатилган турли миллат концептларида) энг муҳим концептлардан бири ҳисобланади. У мураккаб семантик-фреймали (сўзларни ўрганишда керакли маълумот маъносидаги) тузилишга эга: ядроси универсаль, умуминсоний бўлиб аҳоли ўртасида ижтимоий алоқа шакли сифатида ифодаланади. Асосий интерпертацион томони эса (ташқи шаклини ўрганиш натижасида ички моҳиятини очишда), шахсга тегишли ички индивидуал хусусиятларини намоён этишда ва асосан миллий кўринишини чуқур ифодалашга хизмат қилади» [3, 5-6.].

Шарқда оила нафақат ота-она ва фарзандлардан балки жуда кўпгина қон-қариндошлардан иборат бўлгани учун, оила институти доим алоҳида ижтимоий аҳамиятга эга, европа халқларига нисбатан туркийзабон халқларига ўта мос келувчи - оила ижтимоий майдони - авлодан-авлодга оила қадриятларини сақлаш мақсадида муҳим ҳисобланади.

Оила ижтимоий майдонида тўла амалга ошириш натижасида ижтимоий майдонда тилнинг асосий компоненти сифатида дунёга чиқади. Сабаби оилада «кичикларнинг катталар томонидан номланиши», «катталарнинг кичиклар томонидан аталиши», «битта авлод ва бир неча авлоднинг ўзаро бир-бирларини номлашлари» авлоддан авлодга ўтганда номлаш усулларининг шаклий ўзгаришларига сабаб бўлиши ҳам мумкин.

Тил на фақат мулоқот воситаси, балки сифатларни, хислатларни, фикрларни, дунёқарашларни ва бошқаларни ифодалаш вазифаларини ижро этади. Шунингдек, тил дарслари ўқувчини, талабани тарбиялашда энг муҳим қуролдир. Шу хусусда Маҳмуд Қошғарий «Эрдам боши тил» («Одобнинг боши тил») деб бежиз айтмаган [«Девону луғатит турк» асари]. Тилнинг, айниқса эзгу сўзнинг қудрати беқиёс. Эзгу сўз инсонни буюк ишларга ундайди, энг мураккаб шароитларда тўсиқларни енгишга ёрдам беради. Шунинг учун сўздан тўғри фойдалана билиш инсониятга жуда катта имкониятларни яратади, чин маънода тарбиялайди, яъни ҳаётнинг кутилмаган зарбаларига тайёр туриш учун маънан ва руҳан тайёрлаб боради.

Абу Наср Форобий бу боради шундай фикр билдирган: “Сўзлаш қуввати ёрдамида инсон билим ва хунар эгаллайди, хулқ-атворидаги хунук ва гўзал ҳаракатларни ажрата билади ва бажарилиши зарур бўлган-бўлмаган ишларни адо этади, шу билан бирга зарарли ёки фойдали нарсани, лаззатли ва аччиқ нарсаларни фаҳмлайди”. Демак, ахлоқ инсоннинг жамиятда ўз ўрнини топишига, бахтли ва фаровон турмуш кечириши учун замин яратади. Шу ерда айтиш жоиз, тарбия ва ахлоқ мотиви

Педагогика / Педагогика / Pedagogics

ўзбек антропонимиясида ҳам ўзига хос ўринга эга. Чунки инсон ўз фарзандига исм берар экан аввало боланинг бахтли бўлишини, бунинг учун эса унинг соғлом, одобли-ахлоқли ва баркамол вояга етишини истайди. Ва шу орзуларини, умид ва истакларини бир сўзга жам этиб фарзандига исм қўяди.

Мисол учун, фарзанднинг ақлли ва билимдон бўлишини орзу қилсалар: **Оқил, Оқила, Доно, Олим, Адиба, Шоира, Фозил, Ориф** деб, иродали ва интизомли бўлишини истаса: **Ирода, Азамат, Полвон, Козим, Манзура, Дамин, Собир**; чаққон ва эпчил: **Жўшқин, Жайрон, Ғайрат**; кўрқмас, довюрак: **Жасур, Баҳодир, Қахрамон, Рустам**; баркамол бўлишини хоҳласа: **Комил, Камола, Муфассал** ва бошқа ижобий сифатларга эга исмларни раво кўрадилар.

**Хулоса.**

Антропонимларнинг ўзига хос тузилиши, шакли, оҳанги бўлсада, баъзан тақлиддан ҳосил қилинган исмлар ҳам учрайди. Уларнинг шахсга таъсири, инсон ахлоқидаги салмоғи қай даража эканини ўрганиш керак деб ўйлаймиз. Аслида, умуман ўзбек антропонимия соҳасида исмлардан ташқари таҳаллуслар, лақабларнинг пайдо бўлгани, сабаби, уларнинг нутқда ҳамда адабиётдаги лингвопоэтик хусусиятларини ўрганиш ва инсон ахлоқига таъсири хусусида кенгроқ тадқиқотлар олиб бориш зарур, деб ҳисоблаймиз. Аммо ўзбек ономастикасини фақат тавсифий усулда эмас, балки антропонимларни антропоцентрик, когнитология, лингвокультурология нуқтаи назаридан ҳам тадқиқ этиш лозим.

Шундагина, антропонимик материалга нафақат лисоний жиҳатдан, балки этнолингвистик, этномаданий,

руҳшунослик, социолнгвистик, эстетик, тарихий-диний нуқтаи назардан ҳам ёндашиш мумкин бўлади ҳамда антропонимика соҳасида бахтли муаммоларга ечим топиш енгиллашади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Бегматов Э.А. Ўзбек исмлари маъноси (изохли луғат). 14 600 исмлар изохи. 2-нашри. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси (луғат), 2007. – 608 с.
2. Бекмуродов Н. Чиройли исмлар тўплами. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. – 376 с.
3. Бондаренко Е. В. Межкультурная семейная коммуникация как особый тип общения.: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Волгоград, 2010. – 22 с.
4. Галиуллина Г.Р. Татарская антропонимия в лингвокультурологическом аспекте.: Автореф. дисс... докт. филол. наук. – Ташкент, 2004. – 25 с.
5. Доспанова Д.У. Иноязычная орнаментика текста (на материале каракалпакизма русскоязычной прозы): Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 2004. – 25 с.
6. Егорова Т. П. Семиотическая функция имени // Ономастика. Материалы к серии Народы мира и культура. – Вып. XXV. – Ч. I. – М.: РАН, 1993. – С. 21-28.
7. Ермолович Д.И. Имена собственные на стыке языков и культур. Заимствование и передача имён собственных с точки зрения лингвистики и теории перевода. М.: Р.Валент, 2001. – 133 с.



**Педагогика / Педагогика / Pedagogics**

8. Кубрякова Е. С. Язык и знание. – М.: Языки славянской культуры, 2004,- 560 с.
9. Нафасов Т., Маркаев М. Узбекские этноантропонимы // Ономастика Узбекистана. Сб. тез. II респ. Научно-практ. конф. – Карши, 1989. – С. 136-140.
10. Никонов В. А. Имя и общество. – М.: Наука. 1974. – 278 с.
11. Хазиева Г.С. Историко-лингвистический анализ татарских мужских личных имен.: Автореф. дисс.... канд. филол. наук. – Казань, 2007. – С. 23.